2011-yil 8-noyabr № 134 (3015) seshanba

Insonga naf keltirish — oliy baxt

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

***Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар асло доғда қолмайди.***

**Ислом КАРИМОВ**

## Ўзбекистон — Венгрия:
# Ҳамкорликнинг янги уфқлари

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт 6 ноябр куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташрифнинг асосий тадбирлари 7 ноябр куни Кўксаройда Венгрия Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими билан бошланди. Маросимда икки давлат расмий делегациялари аъзолари, мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари иштирок этди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Пал Шмитт шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Икки томонлама музокаралар Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Венгрия Президентларининг ушбу учрашуви 2010 йилнинг сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркда бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммити доирасида бўлган самарали музокараларининг мантиқий давоми экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Венгрия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим босқич, бугунги тез ўзгарувчан замон шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатдорликка асосланган кенг кўламли ҳамкорлик ва шериклик ривожига амалий суръат бахш этиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасидаги кўптомонлама муносабатларни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш тарафдоридир. Бунинг учун катта салоҳият мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиёда, Венгрия Марказий Европада стратегик муҳим ўринга эга.

Мамлакатимиз Венгрия билан муносабатларни, шунингдек, Европа Иттифоқи доирасида янада ривожлантиришдан манфаатдор, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича Стратегиясини амалга ошириш борасидаги кўптомонлама ишларни давом эттиришга тайёрдир.

Президент Пал Шмитт Венгрия Ўзбекистонни Ўрта Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкор деб билишини ва унинг дунё сиёсатида ортиб бораётган ролини юксак эътироф этишини таъкидлади.

Ўзаро дўстлик муносабатлари узоқ асрларга бориб тақалувчи ўзбек ва венгер халқлари ўзининг бой тарихи, ноёб маънавий-маданий мероси, ўз юрти ва жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бу омиллар давлатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётир.

Ислом Каримов ва Пал Шмиттнинг очиқ ва конструктив руҳда ўтган мулоқоти чоғида Ўзбекистон — Венгрия муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларига доир кенг кўламли масалалар атрофлича муҳокама қилинди, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича томонларнинг қарашлари яқин ёки ўхшаш экани таъкидланди.

Хусусан, Афғонистондаги можаронинг кескинлашиши ва кенгайиши томонларни бирдек жиддий ташвишга солаётгани қайд этилди. Бугунги кунда Афғонистонда кечаётган воқеалар афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини аниқ намоён этаётганлиги таъкидланди. Фақат қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро муроса ва келишувга эришиш, бу жараёнга афғонларнинг ўзини жалб этиш йўли билангина мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш мумкин.

Венгрия Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатни иқтисодий тиклаш борасидаги ташаббуслари ва амалий саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Президентларнинг ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари аъзоларининг иштирокида — кенгайтирилган таркибда давом этди.

Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани, бунинг натижасида ҳар икки давлат иқтисодиётининг салоҳияти ошаётгани мазкур йўналишдаги алоқаларни кенгайтиришда катта имкониятлар яратмоқда. Шу ўринда мамлакатларимиз иқтисодиёти ўзаро бир-бирини тўлдиришини таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда сўз борар экан, Президент Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давомида унга Венгрия иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги етакчи компаниялар раҳбарларидан иборат катта делегация ҳамроҳлик қилаётгани, бу ҳар икки томоннинг ҳам ушбу соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолат бериши таъкидланди. Жумладан, Венгрия ишбилармонлари орасида озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқлари, энергия тежовчи технологиялар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳалари, банк-молия сектори, логистика, сайёҳлик, инжиниринг тузилмалари вакиллари бор.

**(Давоми 2-бетда)**

# Улкан эътибор самараси

***Наманган муҳандислик-педагогика институти юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ташкил этилган олий таълим даргоҳларидан.***



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида ушбу ўқув даргоҳида ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган институтдаги мавжуд беш факултетда 4 мингга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларга малакали профессор-ўқитувчилар илғор педагогик технологиялар асосида таълим бераётир. Бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Лингафон ва видеопроекторлар ўрнатилган амалий машғулот хоналари, электрон кутубхона, интернет тармоғига уланган компютерларда талабалар фанларни чуқур ўрганиш имкониятига эга.

Институтнинг икки талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва 23 нафари Беруний, Улуғбек, Ибн Сино номидаги давлат стипендияларини қўлга киритгани таълим даргоҳида ёшлар учун яратилган имкониятларнинг амалдаги самараларидандир.

Суратларда: институт талабаси Муҳаммадюсуф Маҳмудов; машғулотлар пайтида.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

*Сиз ёлғиз эмассиз!*

# Саховат
## оқибатни кучайтиради

***Бир оғизгина ширин сўз ёки кўнгилдан чиқариб берилган ёрдам инсон руҳиятини кўтариб, қалбларни бир-бирига яқинлаштиради. Шуни ҳисобга олиб жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари муборак Қурбон ҳайити кунларида кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатмоқда. Бу ҳақда жойлардаги мухбирларимиз хабар қилади.***

**ТОШКЕНТ.** Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшишди. 5 нафар ногирон, кам таъминланган оилалар ҳамда меҳнат фахрийларига 1029000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқда бу хайрли иш давом этмоқда.

* * *

**ХОРАЗМ.** Қурбон ҳайити муносабати билан Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан қатор хайрия тадбирлари амалга оширилди.

— Фаолларимиз вилоятда фаолият кўрсатаётган масжидлар, зиёратгоҳлар, қабристонларни ҳамда уларга ёндош кўчаларни тозалаш ва ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлишди; маданий-маърифий ва таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда вилоятимиз ижтимоий ҳаётида чуқур из қолдирган элдошларимизни хотирлашга бағишланган тадбирлар уюштирдик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходими. — Барча идора ва ташкилотларда қурбонлик тадбирларини ортиқча исрофгарчиликларсиз, дабдабабозликларсиз ўтказиш, аксинча, муҳтожларга кўпроқ ҳиммат кўрсатиш бўйича тарғибот ишларини олиб бордик.

Албатта, касаба уюшмаларининг ўзи барчага намуна кўрсатди. Шу куни юздан зиёд ёши улуғ инсонлардан хабар олинди. Элликдан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила вакилларига, ногиронларга моддий ёрдамлар ажратилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан Урганчдаги болалар уйига ҳомийлик ёрдами ажратилган бўлса, «Жанубгазқурилиш» ОАЖ бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан Хивадаги 20-сон меҳрибонлик уйига 200 минг сўм миқдорида ҳомийлик кўрсатилди, 10 дан зиёд ишчи-хизматчиларга 720 минг сўм миқдорида моддий ёрдам берилди.

* * *

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳам ҳайит муносабати билан қатор хайрия тадбирлари амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари Қорақалпоғистон Республика кенгаши вакиллари Тахиятошдаги болалар уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиб, болалар уйига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Кенгаш тасарруфидаги бошланғич ташкилотлар кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган соҳа ходимларига моддий ёрдамлар ажратди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан 106 нафар кам таъминланган соҳа ходимларининг ҳар бирига энг кам иш ҳақи баробарида моддий ёрдам ажратилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**АНДИЖОН.** Асака автомобилсозлик заводига эҳтиёт қисмлар етказиб берувчи Андижон шаҳрида фаолият юритаётган «Ўз Донг Янг Ко» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 13-махсус мактаб-интернатга доимо ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади.

Мусулмонларнинг муқаддас байрами — ийди Қурбон муносабати билан касаба уюшма қўмитаси раиси М. Алибоев бошчилигида бир гуруҳ ходимлар бу ерга ташриф буюришди. Болажонларга 2 млн. беш юз минг сўмлик иссиқ одеяллар, спорт кийимлари ва ўқув қуроллари топширилди. Совғалар ўқувчиларга байрамона кайфият улашди.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**ЖИЗЗАХ.** Мамлакатимиз Президентининг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори Жиззах воҳасида баланд руҳ билан кутиб олинди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари муборак Қурбон ҳайити байрамининг дастлабки кунидаёқ кам таъминланган, ёлғиз оилалар, боқувчисини йўқотган кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга касаба уюшма маблағи ҳисобидан меҳр-мурувват ва ҳомийлик ёрдамлари кўрсатишди.

***(Давоми 2-бетда)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 62 920 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 123 060 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 62 920 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 123 060 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 75 510 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 июлдаги ПФ-4332-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2011 йилнинг 1 декабридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил, 3 ноябр*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ш.М.Ғаниевни Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Шухрат Мадаминович Ғаниев** Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 7 ноябр*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Ҳ.Х.Нематовни Фарғона вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Ҳамиджон Холиқович Нематов** Фарғона вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2011 йил 7 ноябр*

## Ўзбекистон — Венгрия:
# Ҳамкорликнинг янги уфқлари

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ривожланиб бораётгани, хорижлик инвесторлар учун яратилган кенг имтиёз ва преференциялар мамлакатимиз кимё ва фармацевтика саноати, тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси сингари устувор йўналишлар учун Венгрия инвестицияларини янада кўпроқ жалб этишда муҳим асос бўлиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир қатор Венгрия компанияларининг ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган, ушбу давлат капитали иштирокидаги кўплаб корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Мулоқотда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми хусусида сўз борар экан, 2010 йил якунлари бўйича бу борадаги ўсиш 37 фоиздан зиёдни ташкил этгани таъкидланди. Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажми икки давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари даражасида эмаслиги, мавжуд захиралардан самарали фойдаланиш ҳамда савдо номенклатурасини кенгайтириш ҳисобига уни тубдан кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Венгрияда талаб юқори бўлган пахта толасидан тайёрланган матолар, ип, тайёр тўқимачилик ва кабель-ўтказгич маҳсулотлари, нодир ва рангли металлар, кимё саноати товарлари ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотларни узлуксиз етказиб бериши мумкин.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия Республикасининг Қўшма баёноти имзоланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик дипломатия муносабатлари ўрнатилган 1992 йилдан буён кенгайиб бораётгани ва ҳар икки томоннинг узоқ муддатли миллий манфаатларига хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилган. Давлатларимизнинг кўплаб йўналишлардаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ўзаро фикр алмашиш ҳамда алоқаларни янада фаоллаштириш орқали ўзаро муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга бўлган муштарак интилиши ифода этилган.

Шунингдек, ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, тегишли давлат органлари ва компаниялар вакилларидан таркиб топадиган ҳамда ўз фаолияти билан Ўзбекистон ва Венгриянинг савдо ва сармоявий ҳамкорлигининг барча соҳаларини қамраб олувчи Ҳукуматлараро комиссия ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ва Венгрия ташқи сиёсат маҳкамаларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги протокол бевосита алоқаларни ва дипломатлар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Нефть-газ тармоғи, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, метрология бўйича ҳамкорлик, савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзолангани икки томон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиздир.

Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Венгрия раҳбари Пал Шмитт билан музокаралар конструктивизм ва очиқлик, ўзаро ишонч руҳида ўтганини, уларнинг натижалари мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожланишига, Ўзбекистон ва Венгрия халқларининг дўстлиги ва фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади.

Олий даражадаги ушбу ташриф келгусида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг алоқаларини фаоллаштиришда муҳим омил бўлади.

Пал Шмитт икки томонлама музокаралар ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлганини таъкидлади. Венгрия Президенти учрашув чоғида давлатимиз раҳбари тимсолида бутун ўзбек халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этиш имконига эга бўлганини, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида улкан ютуқларга эришаётганини алоҳида қайд этди. Пал Шмитт, шунингдек, Президент Ислом Каримов Венгрияга ташрифга оид таклифни қабул қилганидан мамнун эканини изҳор этди.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт Мустақиллик майдонига ташриф буюрди ва ҳуррииятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Пал Шмитт Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбекистоннинг бош майдони мамлакатимизнинг буюк тарихи ва 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида эришган улкан марраларига мос ҳолда улуғвор қиёфа касб этгани таъкидланди.

Венгрия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб, мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси фаолияти билан танишди. Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашувда олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган Ўзбекистонда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ҳаётга татбиқ этишда ва умуман мамлакатимизда қонунчиликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи қуйи палата фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Шу куни Пал Шмитт пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди ва музейнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Улардан ўрганайлик*

# Ижтимоий ҳимоя — бош вазифа

***Гулистон шаҳридаги «Саррунатекстилес» Ўзбекистон — Швейцария — Люксембург қўшма корхонаси республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан. 2004 йилда фаолият бошлаган корхонада пахта толасидан фақат калава ип тайёрланибгина қолмай, бу ярим тайёр хомашёдан мато тўқилади ва тикув цехида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади.***



— Бу ерда 450 киши иш билан банд. Ишчи-ходимларнинг 90 фоизини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди корхона директорлар кенгаши раиси Шукурулло Маҳамаджанов. — Корхонамизга энг замонавий ип йигириш, тўқув ва тикув дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, барчаси тўлиқ компютерлаштирилган. 2011 йилнинг 10 ойида 1130 тоннадан ортиқ калава ип, 107 тоннадан ортиқ мато ишлаб чиқарилди. Уч сменада иш ташкил этилган, кунига 6-8 тоннагача пахта толаси қайта ишланади.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, маданий ва спорт тадбирлари ўтказиш, меҳнат муҳофазаси ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратган. Бу корхонанинг 2011-2013 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида ҳам ўз аксини топган.

Ишчи-ходимлар учун уч маҳал иссиқ овқат, тиббий хизмат, маиший хизмат шохобчалари ташкил этилган бўлиб, барча хизматлар бепул. Ходимлар йилда бир марта корхона ҳисобидан тиббий кўрикдан ўтади. Корхонада кунига тандирда 1200 донадан ортиқ нон ёпилиб, ишчи-хизматчилар дастурхонига тортилмоқда.

Жамоа Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат экиш бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббусини хайрихоҳлик билан қарши олди. Ҳар бир цех ва бўлимга кўчат экиш учун майдончалар ажратилди. Натижада 4 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, парвариш қилинмоқда.

— Ишчи-ходимларнинг овқати учун маҳсулотлар ўзимизда етиштирилаяпти, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Умматов. — Корхона атрофидаги 1 гектардан ортиқ ташландиқ майдон ҳашар йўли билан обод қилиниб, 15 турдан ортиқ сабзавот ва полиз экинлари экилди. Шу йил биринчи ҳосилдан 5 тоннадан ортиқ картошка, 3,5 тонна пиёз, 2 тонна сабзи, 3 тоннадан ортиқ помидор, булғор қалампири, аччиқ қалампир, қизил лавлаги, мош, ловия, бодринг, саримсоқ ва кўкатлар етиштирилди. Бундан ташқари, корхонада 2 та кичик ҳовузда балиқ парвариш қилинмоқда.

Ҳар ой маънавият соати ташкил этилиб, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилади. Корхонанинг хотин-қизлар ва ёшлар кенгаши фаол иш олиб бормоқда. «Сарвиноз» фолклор ҳаваскорлар гуруҳи тузилган. Ҳар бир байрам кенг нишонланади. Шахмат, шашка, стол теннис мусобақалари доимий ўтказилиб, ғолиблар тақдирланади. Ишчи-ходимлар Тошкент шаҳридаги музей ва театрларга, қадимий шаҳарларга саёҳатга олиб бориладии.

Хавфсиз иш шароити меҳнат муҳофазаси кафолати ҳисобланади. Корхонада бунга катта эътибор қаратилган. Ҳар бир цех ва бўлимда техника хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилган. Ходимлар ўртасида зарур тушунтириш ишлари аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, бу борадаги ишларнинг яхши ташкил этилиши туфайли ҳали корхонада биронта бахтсиз ҳодиса рўй бермаган. Жамоа шартномасига асосан меҳнат муҳофазаси учун етарли маблағ ажратилиб, барча ходимлар махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам касаба уюшмасининг эътиборида. Жорий йилда 3 та ёш оилага никоҳ тўйларини ўтказиш учун маблағ берилди. 10 дан ортиқ ишчи-хизматчиларга 500 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Сиҳатгоҳ ва болалар оромгоҳларига ажратилаётган йўлланмалар тўлиқ корхона ҳисобидан таъминланади. Корхона болалар уйи тарбияланувчиларига дарслик ва ўқув қуроллари олиб беришда ҳам кўмаклашмоқда. Ёлғиз кексалар ва ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаяпти.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар қисқа вақтда дунёга танилди. Корхона халқаро кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиб, ғолиб бўлмоқда.

Маъмурият корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида бўяш цехи ташкил этиш бўйича лойиҳа ишларини тугатди. Яқинда 200 иш ўрнига эга бўлган бўяш цехи бунёд этилади. Шунингдек, корхонада устоз-шогирд усулида Гулистон шаҳридаги коллеж ўқувчиларидан 50 дан ортиғига иш ўргатилиб, муносиблари ишга қабул қилинмоқда.

**Иргашқул БЎРИЕВ,**
**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси**

*Кун тартибида: хотин-қизлар масаласи*

# «Аёлни улуғлаш Ватанни улуғлашдир...»

***2 ноябр. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсат қарорига асосан ЎзКУФК қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзолари эрта тонгда «Тошкент» вокзалидан юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электро поездига ўтириб комиссиянинг навбатдаги ўқув-семинари ва йиғилишини ўтказиш учун қадимий ва навқирон шаҳарга йўл олишди.***

Замонавий қулайликка эга бўлган электропоезд комиссия аъзоларини ҳайратга солди. Ҳар бир вагон чўғдек гилам-поёндозлар, қулай ва юмшоқ ўриндиқлар, видеомониторлар, мутолаа учун чироқлар билан безатилган. Тезюрар электропоезд обод шаҳри қишлоқлар, ғўзапоядан тозаланиб шудгорланаётган далалар, кузги буғдойлар сабза урган далалар, олтиндай товланиб турган боғлар, қўй-қўзилар ўтлаб юрган азим тоғлар оралаб борарди. Шундай руҳий кўтаринкилик билан дунёнинг сайқали бўлган Самарқандга етиб келдик.

Тошкентдан чиққанимизда ҳаво совуқ ва булутли эди. Самарқанднинг осмонўпар минораю мадрасаларида эса офтоб нурлари жилваланиб турарди...

«Гранд Самарқанд» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги ўқув-семинари ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамда Касаба уюшма Марказий кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, комиссия аъзолари ҳамда Самарқанд вилоятидаги ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият юритаётган фаол аёллар иштирок этди.

Федерация кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Мавжуда Халилова семинарни очар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўзига хос ўрни борлиги, айниқса, касаба уюшмалари ҳаракатини мустаҳкамлашда аёллар ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, комиссия аъзолари хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг фаоллигини оширишда тегишли давлат идоралари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани, нодавлат корхоналарда ишлаётган хотин-қизлар, ёшларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, касб касалликларининг олдини олиш учун соғлом меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек, касаначиликни ривожлантириш орқали аёллар бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиб, янги иш ўринларини ташкил этиш, аёллар ва уларнинг фарзандлари, айниқса, талаба ва ўқувчи қизларни соғломлаштириш борасидаги хайрли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Касаба уюшмалари меҳнаткаш аёллар манфаатларини ҳимоя қилишни асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди, — деди у. — Айни кунда касаба уюшма аъзоларининг 48 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳар йили ижтимоий шериклик асосида имзоланаётган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 750 минг нафардан ортиқ хотин-қиз қўшимча таътилдан фойдаланмоқда. Мактабгача тарбия ёшидаги фарзандлари бўлган 250 минг нафар аёл қисқартирилган иш кунидан фойдаланиб, 2 ёшдан 3 ёшгача бола парваришидаги 50 минг нафардан ортиқ аёлга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда. Биз ҳудудий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш орқали ишловчи хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий саводхонлик доирасини кенгайтириш, маданий-маърифий ишларга жалб этиш, ишчи гуруҳини ёш, ишчан, ташаббускор аёл кадрлар билан бойитишга эътибор қаратаяпмиз. Бугунги ўқув-семинардан кўзланган асосий мақсад комиссия фаолиятини янада кенгайтириш, бошланғич ташкилотларимизда иш олиб бораётган комиссияларнинг ишловчи аёллар ва талаба қизлар ҳаётига чуқур кириб боришига кўмаклашишдир.

Шундан сўнг Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Рустамова иштирокчиларни қадимий ва навқирон шаҳарга ташриф билан қутлаб, семинар ишига муваффақият тилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Марупова «Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўрни» мавзуидаги маърузасида истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, йил сайин тадбиркор аёллар сони ортиб бораётганига эътибор қаратиб, бу борадаги эзгу ишларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан ҳамкорлик қўл келаётганини алоҳида таъкидлади.

— Мамлакатимизда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан қўшиб олиб бориши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган, — деди Г. Марупова. — «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида», «Бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияларнинг ратификация қилинганлиги натижасида аёлларимиз барча соҳада иқтидори ва ташаббускорлигини намойиш этишмоқда.

Биргина Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари орасидан етук кадрлар, истеъдодли шоиралар, халқ севган санъаткорлар, тадбиркор ва ҳунармандлар, бир сўз билан айтганда, элга наф келтирадиган жамият вакилалари етишиб чиқмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология маркази илмий ходими Феруза Файзиеванинг «Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш» мавзуидаги маърузасида иштирокчилар эътибори «Соғлом аёл — соғлом бола — соғлом жамият» тамойилига амал қилиш, аёлларнинг тиббий маданиятини ошириш масалаларига қаратилиб, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш бўйича зарур тавсиялар берилди.

ЎзКУФК қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоси, ҳуқуқшунос Насиба Тиллахўжаева ўз маърузасида корхона, ташкилот, муассасаларда иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузиладиган жамоа шартномаларида назарда тутилиши шарт бўлган қонун нормаларининг ижроси ва назоратида касаба уюшмалари хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўрни ҳақида тўхталди.

Шунингдек, семинарда жамиятда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, аёллар бандлигини таъминлаш орқали касаначиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг йўлга қўйиб, янги иш ўринларини ташкил этишга доир Хоразм, Қашқадарё, Андижон, Тошкент вилоятлари касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашларининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари тажрибаси ўрганилди.

Семинар иштирокчиларининг турли масалаларда берган саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Куннинг иккинчи ярмида комиссиянинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш борасида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотларининг давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари ҳақида комиссия аъзоси Маҳмуда Мурзаева ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Г.Илмуратованинг ахбороти тингланди.

Федерация кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси, комиссия раиси ўринбосари Эътиборхон Раҳмонова ва Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси З. Маматқулова Самарқанд вилояти ҳамда Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари тармоғидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувларига хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг киритилиши ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақида маълумот беришди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Семинарнинг сўнгги кунида қатнашчилар Самарқанд шаҳридаги тарихий ва диққатга сазовор жойларга саёҳат қилишди.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Саховат оқибатни кучайтиради

Таълим, фан ва маданият ходимлари вилоят касаба уюшма кенгаши томонидан 79 нафар эҳтиёжманд оилага 3 миллион 950 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Тармоқ касаба уюшма кенгаши шу куни 8 нафар ёлғиз, кекса кишилар ҳолидан ҳам хабар олиб, совғалар улашди.

Вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшма кенгаши тизимдаги 125 нафар эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиб, уларга 1875000 сўмлик саховат ёрдами кўрсатди.

— Бошланғич касаба уюшма ташкилоти маблағидан 32 нафар эҳтиёжманд ходимга жами 850 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатдик, — дейди «Жиззахдон» корхонаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Б.Юсупов. — Шунингдек, корхона ҳисобидан 52 кишининг ҳар бирига 100 минг сўмдан ижтимоий ёрдам берилди.

Муборак қурбон ҳайити кунлари вилоят КУТБК маблағидан жами 417 кишига 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

**ГУЛИСТОН.** Сирдарё вилоят КУТБК муборак Қурбон ҳайити кунлари тармоқ касаба уюшма кенгашлари билан ҳамкорликда боқувчисиз кексалар, ёлғиз, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олишди. Уч юздан кўпроқ эҳтиёжманд кишиларга тўрт миллион сўмлик касаба уюшма маблағи сарфланди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**ТОШКЕНТ.** Халқимиз кексаларни азал-азалдан қадрлаб, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан ўрнак бўлгулик жиҳатларни ўрганган, пурмаъно маслаҳатларига қулоқ тутган. Қувонарлиси, бундай томири чуқур кетган анъаналаримиз ҳозир ҳам барҳаёт.

Куни кеча Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашида соҳа фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда янги ташкил топган тармоқ олдида турган вазифалар бўйича соҳа фахрийларининг фикрлари тингланди. Уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда кўтарилган муаммоларга муносабат билдирилди.



Бир пиёла чой устида ўтказилган суҳбат сўнгида соҳа фахрийларига Қурбон ҳайити муносабати билан совғалар топширилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**ФАРҒОНА.** Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳайит муносабати билан корхона ишчи хизматчиларига ҳамда нафақага чиққан фуқароларга ун, гуруч, ўсимлик ёғи тарқатди.

Қўқон шаҳридаги нефт-газ пармалаш ишлари очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма ташкилоти шаҳардаги Давронбек маҳалласида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Фарҳод Имомназаровнинг уйини таъмирлаб берди. Фарғона шаҳридаги электр тармоқлари ҳудудий корхонаси касаба уюшма қўмитаси эса ногиронлар жамияти ҳисоб рақамига катта миқдорда маблағ ўтказди. Фарғона иссиқлик энергия маркази эса кам таъминланган оилаларга 4,5 миллион сўм миқдорида пул тушириб берди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

* * *

**БУХОРО.** Муборак кунларда адо этилган хайрли ишларнинг барчаси одамлар ўртасида меҳр-мурувват, саховат, меҳрибонлик ва тотувлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Қутлуғ айёмда кўплар қатори таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши томонидан ибратли ишлар амалга оширилди.

Чунончи боқувчисини йўқотган, кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг 36 тасига, касалмандларнинг 12 нафарига 2,6 миллион сўмлик моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Соҳанинг 27 нафар меҳнат фахрийлари ва ногиронлари ҳолидан хабар олиниб, уларга 1115000 сўмлик совға-саломлар топширилди.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйига гилам, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши вилоят ихтисослашган болалар уйига, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Қоракўлдаги Эркаклар мурувват уйига кийим-кечаклар тортиқ этди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 8-noyabr № 134 (3015)

●*Камолот сари*

# Шижоатли, салоҳиятли ва ташаббускор

## Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят бўлими кенгаши раиси Жамол НАСИРОВ билан суҳбат

***— Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда халқимизга йўллаган табригида ёшларга алоҳида мурожаат қилди. Бугунги кунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, унинг фаоллари ва етакчиларидан нималар талаб этилмоқда?***

— Юртбошимиз бундан бир неча йил илгари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида талабалар билан бўлган учрашувда: «...Барчамизнинг асосий вазифамиз ёшларимизнинг мустақил фикри ва дунёқараши шаклланишига кўмаклашиш, ҳаётда ўз позицияси ва ёндашувини қатъий белгилаб олишига ёрдамлашиш, уларни онгли ва билимли қилиб тарбиялаш, ён-атрофдаги воқеаларга бепарво бўлмаслик, даxлдорлик туйғуси билан яшашга ўргатишдан иборат. Ёшларда аввало ҳаётга қизиқиш ва яна бир бор қизиқиш уйғотиш керак ва бу маънавий-маърифий ишларимизнинг негизини ташкил этиши лозим», дея таъкидлаб ўтган эди. Ёшлар ҳаётидаги изчиллик ва маънавий дунёқарашидаги юксалиш юртимиз равнақи ва жамиятимиз тараққиётига бевосита ижобий таъсир кўрсатаётир.

Президентимизнинг ёшларга қилган мурожаати барчамизни тўлқинлантирди. Ўз ишимизга, касбу коримизга бўлган шижоатни янада оширди. Ёшлар ичига кириб бориб, уларни ижтимоий-сиёсий фаолият майдонига бошлайдиган, бунёдкорлик кайфиятини, ишбилармонлик, ташаббускорлик туйғусини шакллантира олишимиз лозимлигини яна бир бор англадик.

***— Бугунги кунда ёшлар онги ва дунёқараши, мақсад ва интилишларидаги ўзгаришлар нималарда кўринмоқда? Ёшларимиз қандай ўй-фикр, ғоя ва интилишлар билан яшаяпти?***

— Дунёқараши, танлаган касб-кори, ҳаёт йўлидаги мақсад-режаларидан келиб чиқиб айтсак, барча ёшлар «Мен бугун кечагидан кўра яхшироқ яшашим, бунинг учун жамият ва турмушдаги ўрнимни муносиб белгилаб олишим, ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан кам бўлмаслигим шарт», «Юксак мақсадларни қўлга киритишим учун куч ва салоҳиятимни ишга солишим зарур» деган мақсад билан яшашмоқда.

Ишончимиз комилки, ўз тақдири ва Ватанимиз истиқболини ўйлаб яшаётган ёшларнинг теран фикру ғояларига елкама-елка турсак, бошлаган улуғ ишларимизни охирига етказамиз.

***— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлимининг яқинда бўлиб ўтган V конференциясида асосан қандай масалалар кўриб чиқилди?***

— Асосий эътибор ёшлар фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақил фикр, қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш масалаларига қаратилди. Шунингдек, улар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган амалий ишлар муҳокама қилинди. Қолаверса, чекка ва олис қишлоқдаги ёшларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллик даражасини, дунёқарашини кенгайтириш, мақсад ва интилишлари ҳамда истеъдодини рўёбга чиқариш учун янада кенг имконият яратиш муҳимлиги таъкидланди.

***— Конференцияда Ҳаракат фаолиятида йўл қўйилаётган қандай камчиликлар таҳлил этилди ва танқид қилинди? Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда йўл қўйилган камчиликлар, бу жараёндаги муаммолар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?***

— Конференцияда фаолиятнинг самарадорлигини оширишда ёшлар юрагига етиб борадиган ноанъанавий тарғибот шаклларидан фойдаланиш зарурлиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари, айрим чекка туманларда ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун етарли шароит яратилмаганлиги, ЁИҲМлар моддий-техник базасининг эскиргани, тарбияси оғир болалар билан ишлаш самарадорлигининг пастлиги каби камчилик ва муаммолар танқид остига олинди. Конференцияда иштирок этган Васийлик кенгашлари ёшларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишда Ҳаракат кенгаши фаоллари билан доимий ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлишни зиммага олишди.

Фаолиятимизга назар ташласак, ўтказиладиган барча тадбиру танловлар, режалар кўпроқ ўқувчи ва талабалар билан чекланиб қолгандек. Ваҳоланки, Ҳаракат 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизларни атрофига бирлаштиради. Демак, «Камолот»нинг фаолият самарадорлигини ошириш учун қилинадиган ишлар ҳали талай.

***— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларга ёрдам кўрсатиш, фаоллигини ошириш, жамиятда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашиш борасида қандай лойиҳалар амалга оширилаяпти?***

— Ҳаракат атрофида уюшмаган ёшлар билан доимий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласига янгича ёндашилаяпти. «Бунёдкор» меҳнат ҳаракатининг йил давомида узлуксиз ишлашини йўлга қўйдик. Шу мақсадда 650 нафардан зиёд кўнгилли ёшларни пахта йиғим-теримига жалб этдик. Улар моддий рағбатлантириб борилди. Бундан ташқари, қишлоқларда иш билан банд бўлмаган ёшларни излаб топиб, меҳнат ҳаракати атрофига бирлаштирдик. Уюшмаган ёшлардан ташкил этилган «бунёдкор»чилар замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган бино ва иншоотлар қурилишида шижоат кўрсатишаётир.

***— Ҳаракат фаолиятида етакчиларни танлаш, малакасини ошириб бориш тизими, жамиятнинг бошқа соҳалари учун «Камолот»дан етишиб чиқаётган кадрлар ҳақида кенгроқ тўхталсангиз?***

— Президентимиз таъкидлаганидек: «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук кадрлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим». Кечагина Ҳаракатда астойдил фаолият кўрсатиб, айни кунларда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, давлат ва ҳокимият, турли органлар тизимида муносиб иш юритаётган йигит-қизлар билан фахрланса, арзийди.

Айтиш лозимки, етакчиларнинг малакасини ошириш, уларни тарбиялаш ва шакллантиришда Ҳаракатнинг вилоят бўлими кенгаши муассислигидаги «Етакчи» ёшлар ўқув марказининг ўрни беқиёс. Турли семинар-тренинг ва ўқувлар етакчилар малакасини ошириш ва кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ**
**суҳбатлашди**




●**«Саломатлик» спартакиадаси**

***Шу куни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти спорт мажмуалари ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Таъкидлаш жоизки, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ кенгашлари «Саломатлик» спартакиадасига жиддий тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди. Барча турларда баҳслар қизғин кечди. Таълим, фан ва маданият ходимларидан иборат волейболчилар кетма-кет ишонарли ғалаба қозониб шоҳсупага кўтарилган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари ўртасида тақсимланди.***

# Ғолиблар аниқланди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари шарафини ҳимоя қилган «Савдогарбанк» ходими Шуҳрат Холмирзаев том маънода спортга ошнолигини исботлади. Шуҳрат бир йўла икки йўналиш ғолиби бўлди. У армрестлинг бўйича рақибларига имконият қолдирмаганди. Тош кўтаришда ҳам иккинчи ўринни қўлга киритди. Полвонлар баҳсида мутлақ ғолиблик агросаноат тизими ходими Бердиёр Туробовга насиб этди.

Стол тенниси баҳси ҳам курашларга бой бўлди. Охир-оқибат таълим ходими Руслан Шушеровнинг абжирлиги қўл келди. У шоҳсупага кўтарилди.

«Отам, онам ва мен» оилавий баҳсларида оқдарёлик муаллимлар Исмоил Бердиёровлар хонадонига тенг келадиган топилмади. Оила бекаси Салтанат ва қизи Наргиза ҳамжиҳатликда барча тўсиқларни енгиб ўтиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшишди.

Муросасиз курашлар остида ўтган спартакиадада умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин таълим, фан ва маданият, иккинчи ва учинчи ўринлар давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари жамоаларига насиб этди. Ғолиблар 16 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтадиган республика «Саломатлик» спартакиадаси йўлланмасини қўлга киритишди.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

***Қумқўрғон туманидаги болалар спорти мажмуасида Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси кенгаши шафеълигида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилди.***

Унда барча туман кенгашларига қарашли ташкилотларда фаолият кўрсатаётган ходимлардан 152 нафари иштирок этди. Улар мини футбол, шахмат-шашка, стол тенниси, дартс, тош кўтариш ва арқон тортиш бўйича ўзаро беллашдилар. Қизғин курашларга бой бўлган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида 1-ўрин Қумқўрғон, 2-ўрин Сариосиё, 3-ўрин Шеробод тумани вакилларига насиб этди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

●**Ракетамодел**

# Кубок баҳслари

***Нурота туманида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши ташаббуси билан ракетамодел бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди.***

Унда республикамизнинг 10 та вилоятидан 11 жамоа иштирок этиб, модел турларининг 5 тоифаси бўйича ўзаро куч синашдилар. Умумжамоа ҳисобида Сирдарё вилояти вакиллари биринчи, Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи ҳамда Самарқанд вилояти ракетамодел ихлосмандлари учинчи ўринни қўлга киритишди.

**Шухрат ХАЛИЛОВ**

●*ННТ фаолиятидан*

***Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясининг грантини қўлга киритган «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими жорий йилда талай ишларни амалга оширди.***

# Самарали омиллар

Хусусан, Ҳазорасп, Хонқа, Хива, Қўшкўпир, Боғот, Гурлан, Янгиариқ туманлари, Питнак шаҳарчасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом оилани шакллантириш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир масалаларда 300 дан ортиқ учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ўтказди.

— Байрамлар арафасида жамғарма вилоят бўлимининг кўчма «Амбуланс» ТИП бригадаси мутахассислари аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш, саломатликни сақлашда спортнинг аҳамияти, қариндош-уруғлар никоҳининг салбий оқибатлари каби мавзуларда тушунтириш ишлари олиб боришди. Вилоятда яшовчи 30 нафар ногиронга аравачалар топширилди, — дейди жамғарма директори Н.Шарипова. — ЮСАИД ташкилоти билан ҳамкорликда Хива шаҳар 121-кўзи ожиз болалар мактаб-интернатига 434, эркаклар мурувват уйига 868, руҳий касалликлар шифохонасига 3724, Урганч шаҳар сил касалликлар диспансерига 728, жами 5754 қадоқ қуритилган сабзавот шўрвалари тарқатилди.

Болалардаги ирсий касалликлар натижасида ақли заифликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун соғлиқни сақлаш ходимлари билан биргаликда 9 ой давомида 400 дан ортиқ тушунтириш ишлари олиб борилди. Шу муддатда «Амбуланс» ТИП бригадаси томонидан 10793 та фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 5285 нафари аёллар, 3229 нафари болаларни ташкил этди. Қишлоқ жойлардаги аёллар учун 1000 қадоқдан ортиқ поливитаминларнинг махсус комплекси хайрия ёрдами сифатида тарқатилди.

Жамғарма томонидан уй шароитида бирламчи тиббий ёрдамни ўргатиш борасида ҳам иш олиб борилиб, 1000 дан ортиқ қўлланмалар чекка қишлоқларга тарқатилди. Вилоятда ҳар чоршанба Саломатлик куни деб белгиланган.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

●*Халқаро ярмарка*





# «Буюк ипак йўли»даги туризм

***«Ўзэкспомарказ» МКК ҳудуди эрта тонгдан гавжум бўлди. Карнай-сурнай садолари тантана бошланганидан дарак берди. Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар дилларга завқ улашди. Ҳунармандчилик, қандолатчилик, миллий таомлар, боғдорчилик ва сабзавотчилик маҳсулотлари териб қўйилган павилонлар бир лаҳзада одамлар билан гавжум бўлди.***

— Пойтахтнинг Эски Жува деҳқон бозорида якка тартибдаги тадбиркорман,— дейди Ғулом Умарбеков. — Бугунги ярмаркага ўзим таёрлаган ҳолва, пашмак, новвот, парварда, гажак ҳолва каби талай қандолатчилик маҳсулотларини келтирдим.

Андижоннинг Шаҳрихон туманилик пичоқчи уста Озодбек Раҳимов ҳам ўзида йўқ хурсанд.

— Аждодларимиз шу касбнинг этагини тутган, биз сулолани давом эттириб, кам бўлаётганимиз йўқ. Шохли пичоқ, ёрма пичоқ, суқма пичоқ, мис гулвандли пичоқ ва бошқа 30 турдаги маҳсулотларимиз жуда харидоргир бўлиб, айниқса, чет элликларнинг эътиборини тортмоқда.

Пойтахтнинг Учтепа туманида жойлашган хусусий «Варахша» умумий овқатланиш шохобчаси бош ошпази Наби Қосимовнинг ҳам кайфияти чоғ. — Миллий таомларимизнинг таърифини эшитган хўрандалар шаҳарнинг чекка-чеккаларидан келишади. Ўзимизгагина хос бўлган «Варахша» таомининг мухлислари бугун янада кўпайди, — деди у.

Павилонларда ўзбек ва жаҳон туризмига оид 90 дан зиёд стенд, буклет ва бошқалар бўлиб, улардан Россия, Франция, Ҳиндистон, Хитой, Исроил, Малайзия, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Таиланд, Миср ва шу каби 65 дан ортиқ мамлакатнинг манзарали жойлари, аэропорт тартиблари, меҳмонхоналар ҳамда бошқалар тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш мумкин.

— Бундай халқаро савдо ярмаркалари туристик индустриянинг барча жиҳатларини бирлаштиради, — деди БМТ Жаҳон туристик ташкилоти (ЮНВТО)нинг ижрочи директори Золтан Шомоги.

Унинг фикрича, туристик ташкилотларнинг иштироки ҳамда ярмарканинг қизиқарли бизнес-дастури ушбу йилда самарали учрашувлар ва янги алоқалар ўрнатилишини кафолатлайди.

Илк бор ўтказилган «Буюк ипак йўли» туристик фотоконкурси ҳам эътиборли бўлди. Унда жами 68 нафар суратчи ўз «маҳсулот»и билан иштирок этди.

«Ипак йўлидаги туризм — 2011» мавзуидаги 17-Тошкент Халқаро туристик ярмаркасига бағишланган матбуот анжуманида бир қатор фикрлар ўртага ташланди.

Ўзбекистонлик ва хорижий журналистлар саволларига «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев, БМТнинг Жаҳон туристик ташкилоти (ЮНВТО)га қўшилган аъзолар раҳбари Хавьер Бланко, БМТ (ЮНВТО)нинг дастурлар мувофиқлаштирувчиси Дмитрий Ильин, Ўзбекистон хусусий туристик ташкилотлари ассоциацияси раиси Отабек Жалиловлар атрофлича жавоб бердилар.

**Шарофат НОРҚУЛОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

Газетанинг навбатдаги сони 12 ноябр, шанба куни чиқади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

**Muassis:**
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay’ati:**
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o‘rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog‘indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To‘lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas’ul kotib), Anvar YUNUSOV

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e’lonlar — 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg‘ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko‘chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko‘rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir:
A. Abdullayev

Navbatchi:
A. Arslonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 01.30

Буюртма Г — 1111

12968 nusxada bosildi

1 2 3 4 5